

СОЛИҚ ЁКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Ибрагимова Зулфия Мударифовна,
Тошкент шаҳар юридик техникуми ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада солиқ тушунчасига таърифлар берилган, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг зарурияти таҳлил қилинган. Миллий қонунчилигимиз учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *солиқ, мажбурий тўлов, жиноий жавобгарлик, солиқ солиши объекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, молиявий санкциялар, жарима, мол-мулк мусодараси.*

АННОТАЦИЯ

В научной статье определяется понятие налога, анализируется необходимость установления уголовной ответственности за уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей, разработаны предложения и рекомендации для нашего национального законодательства.

Ключевые слова: *налог, обязательный платеж, уголовная ответственность, объект налогообложения, налоговая база, налоговая ставка, финансовые санкции, штрафы, конфискация имущества.*

ABSTRACT

The scientific article defines the concept of tax, analyzes the need to establish criminal liability for evasion of taxes or other mandatory payments, and develops proposals and recommendations for our national legislation.

Keywords: *tax, compulsory payment, criminal liability, object of taxation, tax base, tax rate, financial sanctions, fines, confiscation of property.*

КИРИШ

Жамиятда турли хил ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши заруриятининг вужудга келиши муайян ислохотларни амалга оширишни талаб этади. Шу жумладан, ҳар бир ислохотни кафолатли амалга оширишининг асосий шартларидан бири уларнинг ҳуқуқий негизини, базасини яратишдан бошланади. Иқтисодий ислохотлар қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилгандагина улар муайян натижа беради ва орқага чекиниш ҳам юз бермайди. Шунинг учун ҳам ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга

оширилади. Шуни қайд этиш жоизки, 2016 йил 5 октябрьда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармонида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғоялар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш,¹ бу борада қилинаётган ҳаракатларнинг самарасидир.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, тадбиркорлик субъектлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилиши жорий этилган².

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мазкур ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида маълумки солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўланиши тартибларини ишлаб чиқилиши, солиқ тўлаш интизомини ошириш, солиқ тўлов тартиблари такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга ислохотлар маълумки солиқлар ундириш тизими мураккаблашуви билан бирга кечади. Бевосита бу Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни тартибга солиш юридик техникасига эътиборни кучайтиришга олиб келади. Дарҳақиқат, солиқ муносабатларининг ривожланиши ва мураккаблашуви солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг янги усуллари пайдо бўлишига туртки бўлади. Шу туфайли ҳам солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ҳар хил турларини оғирлик даражасига қараб ажратиш заруриятлари пайдо бўлади. Солиқ интизомини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

² 418-сон қарор

мустаҳкамлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширилиши лозимлигига алоҳида этибор қаратиш лозимлигини талаб қилади.

Маълумки давлат бюджетининг асосий қисми Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар орқали шакллантирилади. Шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни толамаслик оқибатида давлатга жуда катта миқдорда зарар келиб чиқади. Бюджет даромадининг негизини ташкил этувчи маблағлар бюджетга тушмайди ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан ташкил этиладиган давлат бюджетдан ташқари фондлар лозим даражада шакллантирилмайди. Мазкур ҳуқуқбузарликлар бир сўз билан айтганда, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда молиявий манфаатларига путур етказувчи ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони³ да аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш иккинчи устувор йўналиш сифатида, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилиши лозимлиги белгилаб ўтилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралда **Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида**, барча бизнес тоифалари учун солиқ юқини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтилди.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Шу билан бирга, тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозимлиги. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф қилинди.

Ислохотларни изчил таъминлаш, солиқ тизимини либераллаштириш ва буни хориж мамлакатларининг солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилиги соҳасидаги синалган ютуқларни кенг жорий этилишини таъминлаш мақсадида ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қўйилган талабларни амалга ошириш борасида кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан 2018-йил 13-февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сон фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойишга асосан солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланади. Солиқ кодексини янги лойиҳасини тайёрлаш таклиф этилади.

Илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликларда солиқ тушунчасига қатор таърифлар берилган. Қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин, “Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир⁴”.

Солиқлар – бу давлат бюджети даромадларини вужудга келтирувчи, давлатнинг муайян функцияларини амалга ошириш мақсадида давлат ваколатли органлари томонидан мажбурий ундириладиган тўловларидир⁵.

Солиқлар давлат ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида ваколатли орган томонидан қонун билан белгиланган миқдорларда жисмоний ва юридик шахслар даромадларидан бюджетга ундириладиган, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи қайтарилмайдиган мажбурий тўловдир⁶.

Давлат солиқлар ёрдамида мудофаа қобилятини, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди, иқтисод, маориф, фан, соғлиқни сақлашни ривожлантиради, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича мақсадга йўналтирилган, комплекс ижтимоий дастурларни, бутун жамият манфаатлари йўлидаги бошқа фаолиятни амалга оширади⁷.

⁴ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й., 377 – бет.

⁵ Бердияров.Р.Т., Қурбонов.З.Н., Солиқ ҳуқуқи ўқув қўлланма. Юрист медиа маркази\ Тошкент 2010. 40-бет

⁶ Гадоев.Е., Қо’зиева.Н., Ашурова.Н. Soliq siyosati strategiyasi. O’quv qo’llanma/ Тошкент., 2013 у. - 15-бет.

⁷ O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga sharh. – Т.: “O‘zbekiston”, 2013, 267-бет.

Келтириб ўтадиган бўлсак, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш молиявий муаммолар туғилишига ҳам сабаб бўлади. Солиқларнинг функционал аҳамияти ва уларни тўлашдан бўйин товлаш натижасида бюджетга етказилмайдиган зиён, ҳеч шубҳасиз, мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Жумладан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг содир этилиши нафақат мамлакатнинг иқтисодий асосларига, балки давлатнинг бошқарув тартибига ва ўзга шахсларнинг мол-мулкига зарар етказди, унинг натижасида қўлга киритилмайдиган маблағлар эса терроризмни, уюшган жиноятчиликни маблағ билан таъминлашга йўналтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг “Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2013 йил 31 майдаги 8-сонли қарорида “Қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга оид мажбуриятни қасдан бажармасликдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келади⁸” деб таъкидланган.

Юқорида баён этилганлар жамият ва давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилигини ва ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруриятини шакл-шубҳасиз тасдиқлайди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони⁹ да аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида” 2013 йил 31 майдаги 8-сон Қарори.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

стратегиясида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш иккинчи устувор йўналиш сифатида, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш учинчи устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди.

ХУЛОСА

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда амалга оширилаётган солиқ маъмуриятчилигидаги ислоҳотлар, солиқ соҳасидаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг белгиланиши, солиқ тўловчиларга ёрдам бериш, Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик жинояти учун жавобгарликнинг қўлланилишини ҳар томонлама, амалга оширилаётган жиноят қонунчилигидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда таҳлил қилишни, бу борадаги муаммоларни ўрганишни ҳамда уларга нисбатан ечим беришни назарда тутувчи тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва унга қарши курашиш ва солиққа тортишнинг зарурияти тўхталиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

Биринчидан, давлат ривожланишининг барча босқичларида солиқларни тўлашга доир муносабатлар биринчи даражали аҳамият касб этади ва қонун билан муҳофаза қилинади. Бу юқорида қайд этиб ўтилганидек, давлатнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашда солиқлар муҳим роль ўйнаши билан белгиланади.

Иккинчидан, солиқ соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиловчи жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ривожланиши ва амалдаги солиқ қонунчилиги билан узвий боғлиқ.

Учинчидан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланинг асосий усуллари вақт ўтиши билан амалда ўзгаргани йўқ.

REFERENCES

1. Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
2. Мирзиёев.Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Адолат. 2018 й.
6. Уголовный кодекс Узбекской ССР: с изм. и доп. на 1 окт. 1988 г.: Принят II сессией Верх. Совета ССР пятого созыва, 21 мая 1959 года / Сост. Г.Абдумаджидов. – Т.: Узбекистан, 1988. – 207 с.
7. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: НКЮ УзССР, 1926. – С. 21-25.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрьдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 597-модда.
9. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 644 б.

Интернет саҳифалари:

10. www.lex.uz.
11. www.parlament.gov.uz.ru
12. www.uza.uz